

ЮЛДАШОВ Я.Ҳ., ҲАМРОЕВ Ҳ.Ф.

**ЎРМОН ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

фанидан курс лойиҳасини бажариш учун

услубий кўрсатма

Тошкент 2016 й

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎРМОНЧИЛИК ВА ЎРМОН МЕЛИОРАЦИЯСИ” КАФЕДРАСИ

5A410801 – Ўрмончилик магистратура мутахассислиги талабалари учун

ЎРМОН ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ

АСОСЛАРИ

фанидан курс лойиҳасини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент 2016 й

«Ўрмон етиштириш технологияларининг илмий асослари» фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма 5А410801 – Ўрмончилик магистратура мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган.

Ушбу услубий кўрсатма ТошДАУ “Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси” кафедрасининг “__” “_____” 2016 й. № __ сонли, факультет ўқув – услубий комиссиясининг “__” “_____” 2016 й № __ сонли ва университет ўқув – услубий кенгашининг “__” “_____” 2016 й № __ сонли йиғилишида муҳокама этилган ва чоп этишга тавсия этилган.

Тузувчилар: қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент: Я.Ҳ.Юлдашов
Катта ўқитувчи: Ҳ.Ф.Ҳамроев

Такризчилар: Қаландаров М.М. – Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси
кафедраси доценти
Тўхтаев Б.Ё. – Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги
РИИЧМ директори

1. КУРС ЛОЙИҲАСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўрмонларни баропо этиш ва ўстириш – экилиш схемаси ва агротехник тадбирлар аниқ бир назарий ишланмаларга асосланиб бажарилади .

Ҳозирги вақтда ер шарида ўрмонларга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Чунки ўрмонлар ер шаридаги улкан кислород ва инсоният эҳтиёжи учун зарур бўлган ёғоч манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга ўрмонлар инсониятни ташқи муҳит омиллари: кучли шамоллар, сув тошқинлари, гармселлар ва бошқа ноқулай омиллардан ҳимоя қилади. Лекин, мавжуд ўрмонларнинг майдони инсоният фаолияти натижасида камайиб бормоқда. Уларнинг майдонини кўпайтириш учун эса ўрмонлар барпо этиш ишларини кўпайтириш керак.

Ўрмонлар барпо этиш учун эса ҳудуднинг табиий шароитлари ва экиладиган турнинг биологик хусусиятларини пухта ўрганиш зарур. Шу билан бирга маданий ўрмонлар барпо этиш ишлари аниқ бир белгиланган лойиҳа асосида амалга оширилади. Чунки, ўрмоннинг тўлиқ шаклланиши ва ўзининг самарасини бериши учун узоқ вақт талаб этилади. Аниқ бир лойиҳа асосида барпо этилган ҳамда парваришланган маданий ўрмонлар яхши ўсади ва қисқа вақтда ўзининг самарасини намоён этади.

“Ўрмон етиштириш технологиясининг илмий асослари” фанини ўзлаштирган талаба берилган ҳудуд бўйича ўрмонлар барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Фандан курс лойиҳасини бажаришдан мақсад – ҳар бир талабани олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва ўрмонлар барпо этиш агротехикасини ишлаб чиқиш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Курс лойиҳасини бажариш давомида ҳар бир талаба илмий манбалардан, давлат стандартларидан, ишлаб чиқариш шароитидаги меъёр ва баҳолашлардан фойдаланиши мумкин.

2. КУРС ЛОЙИҲАСИНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

Курс лойиҳасини бажаришда нафақат мавжуд адабиётлар балки интернет маълумотларидан, фан ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаларидан, фанга оид илмий манбалардан фойдаланиш тавсия этилади. “Ўрмон етиштириш технологиясининг илмий асослари ” фанидан курс лойиҳаси қуйидаги қисмлардан:

Кириш;

Умумий бўлим;

I – боб. Ўрмон хўжалигининг жойлашган ўрни ва иқлим шароити;

II – боб. Ўрмон хўжалигининг ўрмон фонди ва тавсифи;

III – боб. Ўрмон хўжалигида иш юритиш;

Махсус бўлим

IV – боб. Ўрмон барпо этишни лойиҳалаштириш;

1. Маданий ўрмонлар барпо этиш фондини аниқлаш;
2. Ўрмон барпо этиш типини лойиҳалаштириш ва илмий асослаш;
3. Ўрмон барпо этишнинг технологик картасини илмий асослаш

IV – боб. Ўрмон барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Курс лойиҳасининг **кириш** қисмида мамлакатимизда ўрмон хўжалиги ва маданий ўрмонлар барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шундан сўнг берилган турни ўрмон хўжалигида ўстириш аҳамияти ва долзарблиги ҳақида асосланган тавсифлар келтирилади. Бундан ташқари маданий ўрмонлар барпо этишнинг мақсади келтириб ўтилади ва унинг ҳажми 2 бетдан ошмаслиги керак.

Умумий бўлимда ўрмон барпо этиладиган ўрмон хўжаликлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Ушбу бўлим 3 та режа асосида ёритилади ва унинг ҳажми 10-12 бетдан ошмаслиги керак.

I – боб. Ўрмон хўжалигининг жойлашган ўрни ва иқлим шароити.

Ушбу бобда маданий ўрмонлар барпо этиладиган ўрмон хўжалигининг жойлашган ўрни, иқлими, рельефи, тупроғи, сув манбалари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Бунда ўрмон хўжалигининг ўртача ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги ва қор қоплами ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга йил мавсумларининг давомийлиги, вегетация даврининг бошланиш ва тугалланиши, дастлабки совуқларнинг бошланиш вақти, шамол йўналиши ва бошқа иқлим омиллари тавсифланади. Олинган маълумотлар жадваллар асосида таҳлил этилади (1- ва 2-иловалар).

II – боб. Ўрмон хўжалигининг ўрмон фонди ва тавсифи. Ушбу бобда ўрмон фонди майдонлари ер категориялари бўйича таҳлил этилади ва жадвал тарзида тўлдирилади (3- ва 4-иловалар).

Таҳлил мобайнида ўрмон хўжалигидаги майдонларнинг ўрмон билан қопланган ва қопланмаган майдонларга ажратилиши, унинг майдони, ўрмон тузиш ишлари натижалари, ўрмон гуруҳи, ўрмоннинг тур таркиби, ўрмон типи ва ўрмон фондининг таксацион кўрсаткичлари ўрганилади.

III – боб. Ўрмон хўжалигида иш юритиш. Ушбу бобда ўрмон хўжалигида ўрмон барпо этиш ишлари бўйича амалга ошириладиган кўйидаги тадбирлар таҳлил этилади:

- Ўрмонлар барпо этиш йиллик режаси;
- Ўрмон барпо этишда қўлланиладиган машина, механизм ва инвентарлар;
- Ишчиларга маош тўлаш тартиби.

Ушбу маълумотлар асосида жадваллар тўлдирилади ва ишни бажариш тартиби таҳлил этилади (5- ва 6- иловалар).

Маҳсус бўлим. Ушбу бўлимда ҳар бир талаба ўзига берилган тур бўйича ўрмон барпо этиш тадбирларини белгилаб беради.

IV – боб. Ўрмон барпо этишни лойиҳалаштириш. Ўрмон барпо этишни лойиҳалаштиришда ҳар бир талаба ўзига берилган мавзу бўйича

мустақил ишлайди ва уни илмий асослаб беради. Бунинг учун талабалар тавсия этилаётган адабиётлардан фойдаланади.

Ушбу боб қуйидаги қисмлардан ташкил топган.

1. Ўрмонлар барпо этиш фондини аниқлаш. Лойиҳалаштириш ўрмон барпо этиш фондини аниқлаш билан бошланади. Ўрмон барпо этиш фонди бу – табиий тикланиш мавжуд бўлмаган ёки жуда секин бўлган, ҳамда ўрмон билан қопланмаган майдон категориялари: кесилган, ёнғиндан қолган, қумли, кам тўлиқлик ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга яроқсиз бўлган майдонлардир. Ўрмон барпо этиш фондининг умумий ҳажми аниқлангандан сўнг ўрмон барпо этиш йиллик режаси ишлаб чиқилади (7 - ва 8 - иловалар).

Йиллик режа асосида ҳар бир майдон категорияси бўйича ўрмон барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ушбу лойиҳада ҳар бир майдон категорияси аниқ услуб ва агротехник тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

2. Ўрмон барпо этиш типини лойиҳалаштириш ва асослаш. Ушбу ишни бажаришда қуйидагиларни ўрганиш керак:

- Жойнинг шароити;

- Барпо этилган ўрмоннинг халқ хўжалигидаги аҳамияти (ёнғоқмева маҳсулотларини олиш, ёғоч олиш мақсадида дарахтзорлар ўстириш, ҳимоя дарахтзорлари);

- Ўрмон барпо этишда фойдаланилаётган турнинг экологик ва биологик хусусияти;

- Ўрмон барпо этишни механизациялаштириш тартиби.

Ҳар бир майдон категорияси бўйича ўрмон типини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир майдон тавсифи батафсил ўрганилиб, у ер учун қўлланиладиган ўрмон барпо этиш тадбирлари қайд этиб ўтилади.

3. Ўрмон барпо этишнинг технологик картасини илмий асослаш. Ўрмон барпо этиш ишларининг технологик картасида ўрмон барпо этиш тартиб батафсил тарзда жадвал кўринишида қайд этиб борилади. Бунда ҳар бир тадбирни бажаришда қўлланиладиган техника ва механизмлар келтириб ўтилади (9-илова).

IV – боб. Ўрмон барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги. Ушбу бобда ўрмон барпо этишнинг харажатлари, барпо этилган ўрмон маҳсулотларини сотишдан келадиган даромад ва йиллик фойда таҳлил этилади. Олинган маълумотлар асосида ўрмон барпо этишнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти аниқланади. У қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_{\text{эф}} = \frac{\text{Фойда}}{\text{Умумий харажат}}$$

Ўрмон барпо этишда ушбу коэффициентнинг минимал қиймати $K=0,15$ дан кам бўлмаслиги керак. Ушбу қийматдан кам бўлмаган ҳолатларда барча бажарилган тадбирлар самарасиз ҳисобланади.

Олинган натижа ижобий бўлгандан сўнг ўрмон арпо этишга кетган харажатларни қопланиш даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T = \frac{1}{K_{\text{эф}}}$$

Хулосада ўрганилган илмий манбалар, жойнинг иқлим шароити, берилган тур бўйича ўрмон барпо этиш бўйича қисқача умумлаштирилган маълумотлар келтириб ўтилади.

Фойдаланилган адабиётларда – мавзу юзасидан фойдаланилган илмий адабиётлар, ҳисоботлар, интернет маълумотлари ва бошқа манбаларнинг рўйхати келтирилади.

Иловада ҳар бир талаба ўзига берилган тур бўйича интернетдан ва бошқа манбалардан олган маълумотларини, ҳамда расмларни келтириб ўтиши мумкин.

ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий

1. Аблаев С.М., Юлдашов Я.Х. Маданий ўрмонлар. Тошкент, 2008 й.
2. Аблаев С.М., Юлдашов Я.Х., Эшанкулов Б.И. Лесные культуры. Ташкент, 2009.
3. Редько Г.И., Родин А.Р., Трещевский Н.В. Лесные культуры. М., 1985.
4. Родин А.Р., Родин С.А. Лесные культуры и защитное лесоразведение. М. ИздМГУ Леса, 1996.
5. Новосельцева А.И., Родин А.Р. Справочник по лесным культурам М., 1984.
6. Кочерга Ф.К. Типы лесных культур для Узбекистана. Ташкент, 1984.
7. Хоназаров А.А. Ўрмончилар учун қўлланма. Тошкент-«Меҳнат», 1982.
8. Хоназаров А.А. Ўзбекистонда ўрмонзорлар барпо этиш асослари. Тошкент-“Ўрмон-лойиҳа” 2001.
9. www.forest.geoman.ru
10. www.derev-grad.ru
11. www.forest.petrso.ru
12. www.og-irk.ru
13. www.lesa-rossii.ru
14. www.wikipedia.org

Қўшимча

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 – февралдаги “Мамлакатда теракчилик саноатини ривожлантириш ва уни плантацияларини қўпайтириш” бўйича 62 сонли қарори.
16. «Ўрмон тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Олий Мажлиснинг XIV сессияси материаллари. Тошкент, 1999.

17. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бошқармаси. Ўзбекистонда «Сохта каштан» ва «Япон софораси» ни (тухумаги) кўчатларини етиштириш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2007.
18. Хоназаров А.А., Эргашов С.Ф., Юлдашов Я.Х. Ўрмон етиштириш технологияси. Тошкент-«Илм-Зиё», 2005.
19. Курнаев С.Ф. Лесорастительное районирование. Наука. М., 1983.
20. Аблаев С.М. Культура фисташки в Средней Азии. Т. 1992.
21. Расчетно-технологические карты по созданию лесных культур. Госкомлес Узб. Т. 1985.
22. Қайимов А.Қ., Бердиев Э.Т. Дендрология (Дарслик). “Чўлпон”, Тошкент – 2012. 336 бет.
23. Яскина Л.В. Дендрология (Рус тилида). “Ўқитувчи” Тошкент – 1980. 151 бет.
24. www.rosleshoz.gov.ru
25. www.forest-market.ru
26. www.userdjcs.ru
27. www.dic.academic.ru
28. www.eko.uz
29. www.fao.org
30. www.econews.uz

1. КУРС ЛОЙИҲАСИ МАВЗУЛАРИ

1. Тоғли крларда ўрмонларини барпо этиш технологияларини илмий асослаш.
2. Суғориладиган майдонларда ўрмонлар барпо этиш технологиясини илмий асослаш.
3. Лалмикор худудларда ўрмон барпо этиш технологиясини илмий асослаш
4. Қум-сахро худудларида ўрмон барпо этиш технологиясини илмий асослаш
5. Тошлоқ ерларда ўрмон барпо этиш технологиясининг илмий асослари
6. Ўрмонларни реконструкция қилиш технологиясини илмий асослари

ИЛОВАЛАР

1 - илова

Ўрмон хўжалигининг иқлим шароити тавсифи

Ўрмон хўжалигининг номи	Ўрмон хўжалигининг жойлашган ўрни	Иқлим кўрсаткичлари					
		Ҳаво ҳарорати, °C	Нисбий намлиги, %	Ёғингарчилик миқдори, мм	Қор қоплами қалинлиги, см	Шамол тезлиги, м/с	Асосий шамоллар эсадиган йўналишлар (румб томони бўйича)
1	2	3	4	5	6	7	8

2 - илова

Ўрмон хўжалиги жойлашган ҳудуддаги вегетация даври давомийлиги, рельефи ва сув манбалари

Ўрмон хўжали гининг номи	Вегетация даври нинг бошланиши	Вегетация даври нинг тугалланиши	Вегетация давомийлиги	Рельефи	Тупроқ типлари	Сув манбалари
1	2	3	4	5	6	7

3 – илова

Ўрмон хўжалигининг ўрмон фонди ерлари тавсифи

Ўрмон хўжалигининг номи	Бўлимлар номи	ўрмон билан қопланган майдон, га	ўрмон билан қопланмаган майдон, га
1	2	3	4

4-илова

Ўрмон хўжалиги майдонларининг тақсимланиши

Ўрмон билан қопланган майдон категориялари	Майдони, га	Ўрмон билан қопланмаган майдон категориялари	Майдони, га
1	2	3	4

5-илова

Ўрмон хўжалигида машина, механизмлар ва инвентарлардан фойдаланиш ҳисоби

Иш номи	Машина, механизм ва инвентарлар номи	Лойиҳа бўйича фойдаланиш	Қўшимча фойдаланиш	Жами фойдаланиш
1	2	3	4	5

6-илова

Материаллар таннархи

Материаллар номи	Микдори	Бирлик нархи	Умумий нархи	Изоҳ
1	2	3	4	5

7-илова

Ўрмон барпо этиш тавсифи

Маданий ўрмон барпо этилган йил	Майдони, га	Майдон категориялари бўйича, га				
		Дарахтлари кесилган майдон	Ёнғиндан қолган майдон	Кам тўлиқликли майдон		Бошқа майдонлар
1	2	3	4	5	6	7

8-илова

Маданий ўрмонлар барпо этиш типлари схемаси

Ўрмон барпо этиладиган майдон категорияси	Майдони га	Ўрмон типи	Тупроққа ишлов бериш усули	Ўрмон барпо этиш услуи	Ўрмон таркиби	Тавсия этилаётган тур номи	Экиш схемаси	Экиш меъёри, 1 га	Парваришlash тадбирлари номи ва миқдори
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

9-илова

Ўрмон барпо этишнинг технологик картаси

№	Бажариладиган тадбирлар номи	Бажариш муддати	Фойдаланиладиган мосламалар номи	
			Техника	Механизмлар

МУНДАРИЖА

1	Курс лойиҳасининг мақсади ва вазифалари.....	4
2	Курс лойиҳасини бажариш тартиби.....	5
3	Тавсия қилинаётган адабиётлар.....	9
4	Курс лойиҳаси мавзулари.....	10
	Иловалар.....	11